

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ САРЛАВҲАЛАР АНЬАНАСИ ВА УЛАРНИНГ
“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДАГИ КЎРИНИШИ**

Рихситилла Алимухамедов

филология фанлари доктори, в.б. профессори

Ориентал университети

Турдиев Жаҳонгир Зафардинович

PhD, Шарқ тиллари кафедраси в.б. доцент

Аннотация: Уибу мақолада қадимги туркӣ ёзма адабиётда шакланган сарлавҳалар ан'анаси ва уларниң жанрий, композитсионц ҳамда услубий хусусиятлари таҳлил қилинади. Ҳусусан, Юсуф Ҳос Ҳожибниң “Қутадғу Билиг” асаридаги бўлим номлари, уларниң тузилиши, ма'но юки ва бадиий вазифаси ўрганилади. Сарлавҳаларниң дидактик ё'налишдаги матнлар мазмунини олдиндан ифодалаши, ўқувчининг диққатини ё'налтиришидаги аҳамияти очиб берилади. Шунингдек, мақолада қадимги туркӣ матнлардаги сарлавҳаларниң замонавий сарлавҳалаши усуллари билан қиёсий жиҳатлари ҳам ёритилади.

Калит сўзлар: Қутадғу Билиг, сарлавҳа, қадимги туркӣ адабиёт, ан'ана, бўлим номлари, дидактик матн, Юсуф Ҳос Ҳожиб, композитсияц, жанр, сарлавҳалаши тизими.

Туркӣ адабиёт тарихан ўзок ўтмишга эга бўлиб, унда қадимдан кичик ҳажмли асарлар билан бирга йирик ҳажмли асарлар баравар яратиб келинган. Мазкур асарларниң барчаси маълум қолип асосида шакланган бўлган. V–X асрларда яратилган туркӣ тилли манбалар “қадимги туркӣ адабий тил” номини олган. Улар бизгача эпиграфик матнлар (Ўрхун ва Енисей воҳасидан, Сибирдан топилган қабртош матнлари), қоғозга битилган манбалар (турк-буддавий, турк-моний, турк-насроний муҳити ёдгорликлари, турли олди-берди васиқалари) кўринишида етиб келган бўлиб, кўпчилиги маълум мавзууда: қоғозга битилганлари тарих асарлари ёки диний-фалсафий мазмунга эга.

Қадимги туркӣ матнларни, ҳусусан, кўк турк ёзувидағи Кул тигин, Билга хоқон каби ёдгорликларни бадиий матн сифатида талқин этиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Келгуси тадқиқотлар шу асосида бажарилган. Кўпчилигининг тузилишида ўзига яраша анъана ҳам шакланган эди. Бундай анъана сифатида шакланган хусусиятлардан бири – йирик ҳажмли асар бўлимларига сарлавҳаларниң берилишидир. Мазкур ҳолат қадимги туркӣ муҳитдаги турк-будда адабиётидаги

“Сюан-Цзан кечмиши”нинг олтинчи бўлими биринчи варагида қуидагича келтирилган:

- “2. *bodistv tayto samtso ačari-niň*
- 3. *yoruý-ïn uqítmaq atly tsi*
- 4. *in čün tigmä kavi nom bitig*²³¹.

“Майтри симит ном битиг”нинг биринчи варагида қуидагича берилган:

- “2. *emit bu nomluy savay aŋ taŋit eltä*
- 3. *račagri känt ulušta uqmış k(ä)rgäk*²³².

Бу анъана кейинги давр туркий матнларида ҳам мавжуд. Хусусан, Юсуф ХосХожиб “Кутадғу билиг” асаридаги ҳар бир бобнинг сарлавҳаси мавжуд. Масалан, *Yeti yulduz, on iki ökäk buruj(niň ögdükini) ayur, Aytoldi oylı Ögdülmışka pand bermišin ayur*²³³, - каби. Асарларнинг бўлимлари олдидан ном бериш анъанаси ўрта асрларда яратилган йирик асарларда ҳам учрайди. Масалан, Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бир достонида сажъ қилиб берилган²³⁴.

Юқорида келтирилган мисолларда туркий адабиётда сарлавҳа қўйиш анъанасининг қадимдан то ўрта асртага бўлган ривожланиш босқичини қўриш мумкин. Бунда “Кутадғу билиг” асарида келтирилган сарлавҳалар анча ривожланган, асар бўлимининг қисқа ва лўнда мазмунини ўзида акс эттириши билан ажralиб туради. Шу билан бирга, “Кутадғу билиг”дан бошлаб туркий адабиётда шеърий асарларга насрий сарлавҳалар қўйиш анъанаси бошланган. Ушбу анъананинг давомини Алишер Навоий “Хамса” достонларига битилган гўзал сарлавҳаларида қўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – Москва. “Наука”. 1991. Лист VI 1. – С. 97, 223.
2. قە دئمقى ئويغۇر بىزئۇندىكى مايترى سئمئىت. ئورومچى. Қадимқи уйғур йезигидиги Майтри симит. I. Урумчи. 1988. 116-б.
3. Содиков К. “Кутадғу билиг”нинг уйғур ёзувили Ҳирот нусхаси. Тошкент. 2010. 23-б.
4. Бу ҳақида қаранг: Курбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. Тошкент. 2016.

²³¹ Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – Москва. “Наука”. 1991. Лист VI 1. – С. 97, 223.

²³² قە دئمقى ئويغۇر بىزئۇندىكى مايترى سئمئىت. ئورومچى. Қадимқи уйғур йезигидиги Майтри симит. I. Урумчи. 1988. 116-б.

²³³ Содиков К. “Кутадғу билиг”нинг уйғур ёзувили Ҳирот нусхаси. Тошкент. 2010. 23-б.

²³⁴ Бу ҳақида қаранг: Курбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. Тошкент. 2016.

5. Рахматова, Г. (2018). Классификация воинских стихов в «Девону Лугати-т-Тюрк». Востоковедения, 2(2), 59-64.
6. RAHMATOVA, G. (2019). THE SYMBOLISM OF COLORS IN THE QUATRAINS “DIVANI LUGATI-T-TURK”.
7. SODIQOV, Q., & RAHMATOVA, G. (2021). SEMANTICS OF POEM IN «DIVANI LUGATI-T-TURK». The Light of Islam, 2021(2), 4.
8. Rahmatova, G. (2021). The genre of odes in the oral work of the turkic peoples and its genesis. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(8), 194-196.